

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
2020 йил “26” декабрдаги
28/24 - сонли қарорига
2 - илова

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бошқариш

СИЁСАТИ

I. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бошқариш сиёсати (бундан буён матнда – Сиёсат деб юритилади) ходимларнинг манфаатлар тўқнашувининг бошқариш кўнимасини ошириш мақсадида Марказий банкнинг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотларда (бундан буён матнда – Марказий банк тизими) манфаатлар тўқнашувидан ходимларнинг шахсий манфаатдорлигига йўл кўймасликка қаратилган чораларни белгилайди.

Мазкур Сиёсат соҳага оид етакчи халқаро амалиёт ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Марказий банкнинг манфаатлар тўқнашувларини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бошқариш сиёсатининг мақсади ходимларнинг мансаб ёки лавозим мажбуриятларини бажаришида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёхуд олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймаслик ҳисобланади.

Ушбу Сиёсат Марказий банк билан меҳнат муносабатларида бўлган барча ходимларга, шу жумладан Марказий банкнинг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотлар ходимларига (кейинги ўринларда – ходимлар деб юритилади) уларнинг эгаллаб турган лавозими, бажарадиган вазифа ва функцияларидан қатъий назар тегишли бўлиб, барча ходимлар мазкур Сиёсат талабларига риоя этишлари шарт ҳисобланади.

II. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва уларни бошқаришнинг асосий тамойиллари

Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва уларни бошқариш қўйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

Марказий банк манфаатларининг устуворлиги тамойили - хар бир ходим ўз лавозим вазифаларини бажаришда ҳамда лавозим ваколатлари доирасидаги қарорларни қабул қилишда ўзининг шахсий манфаатларидан Марказий банк манфаатларини устун қўйиши лозим;

шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойили - ходимлар юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини мажбурий тартибда ўзининг раҳбарига ҳамда комплаенс-назоратни амалга оширишга масъул бўлган таркибий бўлинмага маълум қилиш ҳамда ҳисобдор бўлиш;

индивидуал ёндашув тамойили - манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш ва уларни олдини олиш юзасидан ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашув тартибида чоралар кўриш;

шахсий жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги тамойили - манфаатлар тўқнашуви ўз вақтида маълум қилинмаганлиги натижасида мазкур ҳолатни аниқлаш ва бошқариш амалга оширилмаганлиги сабабли манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ходимга нисбатан қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш.

III. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқаришнинг асосий вазифалари

Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш қўйидаги вазифаларни бажариш орқали амалга оширилади:

ходимларга нисбатан уларнинг лавозим вазифаларни амалга оширишда манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни ошкор қилишга доир талабларни белгилаш;

ходимларни мазкур Сиёsat талаблари билан таништириш, уларга тегишли тушунтириш ва маслаҳатлар бериш;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни жамлаш, рўйхатини юритиш;

манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар бир маълумот ёки хабарни ўрганиш, унинг таъсир даражасини баҳолаш ҳамда чораларни белгилаш;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мониторингини олиб бориш;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ошкор қилмаган, манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарувчи вазият ва ҳаракатлардан четланмаган ҳамда ўз ваколатлари доирасида манфаатлар тўқнашувини олдини олмаган ходимларга нисбатан жавобгарлик ва жазо муқаррарлигини таъминлаш.

IV. Манфаатлар тўқнашуви юзага келганда кўриладиган чоралар

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда кўриладиган чоралар:

ходимнинг лавозим мажбуриятларини бажариш ёки қарор қабул қилишда ихтиёрий равишда иштирок этмаслиги ёки четлашишига рухсат бериш;

ходимнинг лавозим вазифаларини қайта кўриб чиқиш ва лозим бўлган ўзгартришларни киритиш;

ходимни бошқа лавозимга ўтказиш;

қонун хужжатлари талаблари доирасида манфаатлар тўқнашувини бошқаришда бошқа чораларни қўллаш.